

Қадирли 4-курс бакалавр ва магистрант талабалар ҳамда PhD тадқиқотчилари!

Эндиликда сизда Хитойнинг етакчи университетлари ҳамда илмий тадқиқот институтларида таълим олиш имкони мавжуд. Институтимиз ҳамда Хитой Фанлар Академияси Хинжианг Экология ва География институти ўртасида тузилган ўзаро Англашинув Меморандуми доирасида Хитойда ўқишни тўлиқ молиялаштирувчи 2 Хитой Халқ Республикаси грантларини сизга тақдим этамиз (TWAS ва ANSO). Ушбу грант магистратурада ўқиш ниятида бўлган талабаларни 1-2 йил мобайнида, PhD тадқиқотчиларини 2-3 йил мобайнида Хитойда ўқишини молиялаштиради ҳамда талабаларни стипендия билан таъминлайди.

Топширилиши керак бўлган ҳужжатлар:

1. Ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Олий маълумоти ҳақида ҳужжат (бакалавр, магистр, PhD дипломлари);
4. Олий маълумоти ҳақида ҳужжат иловаси (бакалавр, магистр);
5. Тил билиш ҳақида сертификат ёки диплом;
6. 2 та профессордан тавсиянома (Recommendation letter);
7. Мотивация хати (Motivation letter);
8. Саломатлиги тўғрисида тиббий маълумотнома (Хитой тилида).

Ариза (1) ва саломатлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома (8) бланкалари лойиҳа сайтидан ҳамда “Гидрология ва гидрогеология ” кафедраси доценти Шамшодбек Акмаловдан олишингиз мумкин.

Қўшимча маълумотлар билан қуйидаги сайтларда танишишингиз мумкин:

TWAS - <http://isa.ustc.edu.cn>

ANSO - <http://www.fellowship.cas.cn>

Ҳужжатларни топширишнинг охириги муддати 1 Март.

Қўшимча маълумотлар ва ҳужжат топшириш учун Шамшодбек Акмалов. Тел: +998903151894. E-mail: shamshodbekjon@mailru

